

Ҳижрий сананинг бошланиш тарихи



17:00 / 27.05.2022 5077

Бир куни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан мактуб олдилар. Унда, сиздан мактублар келади, бироқ тарихи номаълум бўлади. Тарихни белгиласангиз, яхши иш бўлар эди, деган маъно бор эди. Бир оз вақт ўтгач, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу яна бир мактуб олдилар. Унда «Шаъбон ойида» дейилган эди. Қайси Шаъбон? Ўтганими, ҳозиргисими ёки келгуси Шаъбон ойими, била олмай қийналдилар.

Яна бир куни Ямандан, Яъло ибн Умайядан Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга мактуб келди. Бу мактубда тарих белгиланган эди. Бу иш ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуга маъқул келди.

Шундан сўнг у киши шўро мажлисини чақириб, ўртага мусулмонларга хос тарих-йил ҳисобини қабул қилиш масаласини қўйдилар. Ислоҳ жамияти

ўзлигини намоён қилиши, бошқаларга тақлид қилмай, ўзига хос йил ҳисобига эга бўлиши керак эди.

Биринчи масала «Тарихни (сана ҳисобини) қачондан бошлаш керак?», деган саволга жавоб топишдан иборат бўлди. Талха ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбар бўлган йилларини биринчи йил, деб ҳисоблашни таклиф қилди. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижрат қилган йилларини биринчи йил деб ҳисоблашни таклиф қилдилар. У киши: «Ҳижрат ҳақ билан ботилнинг ораси ажралишига сабаб бўлган», дедилар. Бошқа бирлари эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилган йилларини биринчи йил, деб ҳисоблашни таклиф қилди. Лекин кўпчилик Али розияллоҳу анҳунинг таклифларини ёқлаб овоз бердилар. Иккинчи масала йил ҳисобини қайси ойдан бошлаш эди.

Абдурахмон ибн Авф розияллоҳу анҳу: «Ражаб ойини биринчи ой қилиб олайлик, у (уруш) ҳаром ойларнинг биринчиси», деди.

Талха ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу:

«Рамазон ойини биринчи ой қилиб олайлик, у умматнинг шарафли оyi», деди. Али розияллоҳу анҳу эса: «Муҳаррамни биринчи ой қилиб олайлик, унинг ўзи йилнинг биринчи оyi», - дедилар. Ҳаммага мана шу гап маъқул бўлди. Шу тариқа Ислом уммати ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг ташаббуслари ва ғайратлари билан 16 ҳижрий санадан бошлаб ўзининг йил ҳисобига эга бўлди.

Албатта бу катта иш эди. Келажакда дунёга етакчилик қилиши зарур уммат учун ана шунга ўхшаш шиор бўладиган нарсаларнинг кераклиги ҳеч кимга сир эмас эди.

Кўкалдош ўрта махсус ислом билим юрти 4 босқич талабаси

Азимжон Рихсибоев